International Journal of Education, Social Science & Humanities.
Finland Academic Research Science Publishers
ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 7.502 Impact factor
Volume-11| Issue-4| 2023 Published: |22-04-2023|

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ – МУНОСИБ МЕҲНАТ ҚИЛИШ КАФОЛАТИДИР.

https://doi.org/10.5281/zenodo.7893345

Усманова Муборак Акмалджановна
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.д., профессор

Аннотация.
ушбу мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар, муносиб меҳнат қилиш, меҳнат бозорида камситишларга барҳам бериш ва иш ҳақи тенглигини таъминлаш, дам олиш ҳуқуқи каби кафолатларнинг янги тахрирдаги конституцияда мустаҳкамланаётганлиги масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар.
конституция, муносиб меҳнат, камситишга барҳам бериш, меҳнатга тенг ҳақ тўлаш, дам олиш ҳуқуқи, аёллар ва болалар меҳнат ҳуқуқи.

НОВАЯ КОНСТИТУЦИЯ - ГАРАНТИЯ ДОСТОЙНОГО ТРУДА.

Усманова Мубарак Акмалджановна
профессор Университета Общественной Безопасности Республики Узбекистан, д.ю.н., профессор

Аннотация.
В данной статье рассматриваются вопросы конституционных реформ, проводимых в нашей стране, усиления таких гарантий, как достойный труд, ликвидация дискриминации на рынке труда и обеспечение равенства заработной платы, права на отдых в конституции новой редакции.

Ключевые слова.
Конституция, достойный труд, ликвидация дискриминации, равное вознаграждение за труд, право на отдых, право на труд детей и женщин.

International Journal of Education, Social Science & Humanities.
Finland Academic Research Science Publishers
ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 7.502 Impact factor
Volume-11| Issue-4| 2023 Published: |22-04-2023|

THE NEW CONSTITUTION IS A GUARANTEE OF DECENT WORK.

Usmanova Mubarak Akmaljanovna
Professor of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor

Annotation.
This article discusses the issues of constitutional reforms carried out in our country, strengthening such guarantees as decent work, elimination of discrimination in the labor market and ensuring wage equality, the right to rest in the new version of the constitution.

Keywords.
The Constitution, decent work, elimination of discrimination, equal remuneration for work, the right to rest, the right to work of children and women.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси эришган барча ижобий ютуқларни, гуманитар қадриятларни, халқаро ҳуқуқий мезонлар ва талабларни эътироф этгани ҳолда меҳнат қилиш соҳасида халқаро андозаларга мос келадиган фаолият юритишга интилиб келмоқда. Бу фаолият, энг аввало, инсон манфаатларига янгича ёндашишда унинг ҳуқуқий негизини яратиш, инсоният тараққиётида эришилган ижобий қоидаларни ўз миллий тизимимизга жорий этилишида яққол кўзга ташланмоқда.

Бугунги кунда бозор талаблари ва тамойилларининг ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётгани, иқтисодиётда хусусийлаштириш ролининг ортиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, шартномавийликнинг кенгайиши меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда янги моделларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Шунга кўра, тараққиётимиз суръатларини керакли даражада бўлишини таъминлаш учун ўзгартириш ва янгилаш жараёнларини узлуксиз давом эттириш, олдимизда пайдо бўлаётган муаммо ва вазифаларни ўз вақтида ҳал этишимиз, Янги Ўзбекистонга ҳамда унинг тараққиётига жавоб берадиган янги қоидаларни ислоҳотларимиз мантиғига мослаштириш кераклиги муҳим вазифага айланганлигидан далолат бермоқда.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар мазмунан “инсон – жамият – давлат” деб номланган олтин тамойил асосида олиб борилаётганлигини амалдаги конституциямизга киритилаётган

International Journal of Education, Social Science & Humanities.
Finland Academic Research Science Publishers
ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 7.502 Impact factor
Volume-11| Issue-4| 2023 Published: |22-04-2023|

ўзгартишларнинг 80 фоизини айнан инсон ҳуқуқларини янада ишончли кафолатлашга қаратилаётганлигида изоҳлашимиз мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ”[1].

Ижтимоий тармоқларда умумхалқ муҳокамаларида 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушганлиги, юқоридаги таклифлар асосида конституцияга 27 та янги модда киритилаётганлиги, конституциямиздаги моддалар сони

155 тани ташкил этаётганлиги, қолаверса амалдаги конституцияда мавжуд бўлган 275 та нормаларнинг 434 та нормага кўпайганлиги сўзимизнинг яққол исботидир[2].

Янги таҳрирдаги Конституцияда тарихимизда илк бора Ўзбекистон – ижтимоий давлат деб белгиланмоқда. Яъни, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани мустаҳкамланаяпти. Конституциямизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтириляпти.

Бугунги кунда меҳнат бозорида камситишларга барҳам бериш ва иш ҳақи тенглигини таъминлаш бутун дунёда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Янгиланаётган Конституциянинг 42-моддасида ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланмоқда. Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва мамлакатимизда ижтимоий адолатни устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш устувор вазифалардан биридир. 42-модданинг 3-қисмида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши белгиланмоқда, бу эса ўз навбатида давлатимизда гендер тенглиги принциплари тўлақонли амал қилишига, аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошишига, улар орасидаги ишсизлик даражасини камайтириш ва нафақат меҳнат бозорида, балки жамиятнинг барча жабҳаларида гендер тенгликни таъминлашга имкон беради.

International Journal of Education, Social Science & Humanities.
Finland Academic Research Science Publishers
ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 7.502 Impact factor
Volume-11| Issue-4| 2023 Published: |22-04-2023|

Бундан ташқари, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши, қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши қайд қилинмоқда. Бу янги норманинг киритилиши иш билан таъминланмаган фуқароларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, Конституцияда инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи бўлган дам олиш ҳуқуқининг киритилиши орқали, ёлланиб ишловчиларга дам олиш ва байрам кунларини, ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилини белгилаш орқали таъминланиши, энг муҳими инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар нарсадан улуғ эканлиги мустаҳкамланмоқда.

Конституцияда болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, аҳлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши белгиланмоқда. Мазкур норманинг киритилиши болалар меҳнатини оғир шаклларидан ҳимоя қилиш, уларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишлари учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади ҳамда пенсия, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилайди. Пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган энг кам истеъмол ҳаражатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

Сўнгги йилларда пенсия таъминоти соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди: пенсияларни тайинлашда уларни миқдорини ҳисоблаш усуллари пенсия олувчиларнинг фойдасига қайта кўриб чиқилди, пенсиялар миқдори мунтазам оширилиб, ўз вақтида тўлаб берилмоқда.

2022 йил йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол ҳаражатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди[3].

International Journal of Education, Social Science & Humanities.
Finland Academic Research Science Publishers
ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 7.502 Impact factor
Volume-11| Issue-4| 2023 Published: |22-04-2023|

Янги таҳрирдаги Конституциямизда эса пенсиянинг “энг кам истеъмол ҳаражатларидан оз бўлиши мумкин эмас”лиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Пенсия, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг минимум миқдорининг камлиги ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқдан инсонларнинг тўлақонли фойдалана олмаслигига ва улар орасида турли ижтимоий тенгсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдам турлари миқдорининг энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлмаслиги – фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, харид қобилиятини сақлаб қолиш, соғлиғини, меҳнат қилиш салоҳиятини сақлаган ҳолда жамиятнинг ҳеч бир аъзосини эътибордан четда қолмаслигини таъминлайди.

Хуллас, Янги таҳрирдаги Конституцияда ушбу нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканлиги, барча нарсалар инсоннинг бахт-саодати ҳамда фаровонлигига хизмат қилиши, инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ”деган инсонпарвар ғояни жамиятда кенг қарор топишига, янгича инсоний ва ижтимоий муносабатларни юзага келишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. www.xs.uz расмий сайти ҳамда “Халқ сўзи”, 2018 йил 28 декабрь. 271-272 (7229-7230).

2. uz.pdf (meningkonstitutsiyam.uz)

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. www.xs.uz расмий сайти. 20.12.2022